

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРГОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

4-2017
август

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Аниқ ва табиий фанлар

МАТЕМАТИКА

Х.ҚОСИМОВ, Н.ИКРАМОВА

Ядросида Мейер функцияси қатнашган каср тартибли интегродифференциал операторлар композициясининг бир хоссаси ҳақида 5

ФИЗИКА, ТЕХНИКА

А.МИРЗАҚУЛОВ, Х.ШЕРМАТОВА, З.МУҚИМОВА

Физика ўқитувчисининг таълимга инновацион ёндашуви 8

БИОЛОГИЯ, КИМЁ

Д.КОМИЛОВА

Барг ўровчи құнғызлар (Coleoptera: attelabidae)нинг тарқалиши ва қисқача үрганилиш босқичлари 12

М.АҲМАДАЛИЕВ

Дифурфурилиденацитоннинг олигомерланиши.-I. 15

М.ИСМОИЛОВ, Х.ЖҮРӘЕВ

Қовушқоқликни оширувчи құндирмалар олиш 20

ГЕОГРАФИЯ, ТУПРОҚШУНОСЛИК

В.МАХМУДОВ

Кўп йиллик бошоқдош ўсимликларни Ўзбекистон адиrlарида интродукция қилиш 24

М.ҒОЗИЕВ

Беда остига солинган ҳар хил органо-кимёвий моддаларнинг тупроқдаги микробиологик жараёнларга таъсири 27

Ижтимоий-туманинтар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.ҒАФУРОВ, Г.ХАЛМАТЖАНОВА

Қўшилган қийматни қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида шакллантириш хусусиятлари 30

О.ТЎЙЧИЕВА

Тўқимачилик корхоналарида лизинг муносабатларининг ривожланиш тенденциялари 33

Қ.ЮСУПОВ

Сурутанинг бозор иқтисодиётидаги афзаллиги ва самарадорлиги 36

ФАЛСАФА, СИЁСАТ, ТАРИХ

Т.ЭГАМБЕРДИЕВА, И.СИДДИҚОВ

Ўзбекистонда таълим тизимининг тараққиёти ва самарадорлиги 40

Б.ТЎЙЧИЕВ, У.НАЗИРОВ

Фуқаролик жамиятига ўтиш шароитида оилавий қадриятларнинг ўрни 45

Н.ПУЛАТОВА

Аҳолининг ижтимоий фаолиятида экологик маданиятни шакллантириш масалалари 49

Ф.ЮЛДАШЕВ

Фалсафада этика фанини ўқитишнинг назарий ва амалий масалалари 52

Н.РАҲИМБАБАЕВА

Донишманлар масъулият ҳисси ҳақида 55

М.ЭРГАШЕВА

Совет ҳокимиияти даври (1919-1945 йй.)да архив ҳужжатларини жамлаш 58

АДАБИЁТШУНОСЛИК

А.АБДУРАҲМОНОВ

Қуёш образи ва унинг поэтик функцияси 63

ТИЛШУНОСЛИК

С.ҚУРБОНОВА

Лингвистик воситалар орқали шахс хусусиятларининг намоён бўлишига доир 66

УДК: 33/338.1

ҚҰШИЛГАН ҚИЙМАТНИ ҚИШЛОҚ ХҮЖАЛИГИ ИҚТИСОДИЁТИДА ШАКЛЛАНТИРИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

А.Ғафуров, Г.Халматжанова

Аннотация

Мақолада қишлоқ хұжалиги тармоқларини модернизациялаш, ер, сув ресурсларидан, аграп хизматлардан самарали фойдаланиш, агротехникаларни жорий этиши асосида қаржатларни камайтириши ҳисобига күйилган қиийматни (фойдани) ошириши ўйлары ва хусусиятлари тұғрысіда фикр юритилади.

Аннотация

В статье рассматриваются пути и особенности формирования добавленной стоимости (прибыли) в экономике сельского хозяйства на основе снижения материально-финансовых, аграрных, земельно-водных ресурсов.

Annotation

In the article the ways and features of formation of the value added (profit) in economy rural economy on the basis of decrease in material and financial, agrarian, land and water resources are considered.

Таянч сүз өз әбделорлар: қишлоқ хұжалиги, агроресурс, ресурс, агрохизмат, хомашә, капитал, ишлаб чиқарыш воситаси, қаржат, фойда, күйилган қииймат, бозор иқтисодиёти, мәжнат воситаси, товар, мәжнатнана қииймат назарияси, сотүечи-олувчи, озиқ-овқат, моддий-молявий қаржатлар, ер-сув ресурслари, мәжнат унумдорлыги, маҳсулот таннахи, маблаг, бизнес, рента, агротехнология, рағбатлантириши.

Ключевые слова и выражения: сельское хозяйство, агроресурс, ресурс, агроСервис, сырьё, капитал, производство, издержки, прибыль, добавленная стоимость, рыночная экономика, орудие (средство) труда, товар, теория стоимости труда, продавец-покупатель, продовольствие, материально-финансовые издержки, земля, вода, производительность труда себестоимость продукции деньги, бизнес, рента, агротехнология, промышленность.

Key words and expressions: agriculture, agroresource, resource, agroservice, raw materials, capital, the tool, production, expenses, I have arrived, the value added, market economy, an object of the labor, goods, the theory of a stoimostya of work, the seller the buyer, a prodavolstvo, financially financial expenses, the earth, water, labor productivity product cost money, business, a rent, agrotechnology, industry.

Иқтисодиёттинг ҳар қандай субъекти (хұжалик юритувчи) қаржат қилмай туриб, үз фаолиятини юргиза олмайды. Үй хонадони қаржатини олсак, у истеъмолга кетганидан кейин қайтариб олинмайды, лекин бу қаржат салмоқли бўлади. Ҳудди шунингдек, давлат қаржатлари ҳам қайтиб келмайды, чунки у давлат истеъмолини қондиради. Аммо бунда давлат ишлаб чиқариш корхоналарининг қаржати мустаснодир. Фирма қаржатининг ўзига хослиги шундаки, бунда унинг ўрни қопланадиган, яъни товар ва хизматлар сотилгач, пул шаклида қайтиб келадиган қаржатлардир. Фирма ёки фермер қиладиган қаржат унинг үз ишига кўйилган капиталдир, яъни ишлаб чиқариш воситасидир. Бу, ишлаб чиқариш жараёнида жорий қаржатларга айланади. Демак, фирма қаржати – бу, үз капиталининг (ишлаб чиқариш воситаларининг) сарфланган қиимати ҳисобланади.

Қишлоқ хұжалигига маҳсулот ва хизматларга киритилган қаржатлар қиимати ва кўйилган қииматнинг ҳажми (миқдори)ни ошириб бориш, фойда олиш бозор иқтисодиётининг мухим вазифаларидан бири ҳисобланади.

А.Ғафуров – ФарДУ, иқтисод фанлари доктори, профессор.
Г.Халматжанова – ФарДУ, иқтисод фанлари номзоди, доцент.

Қиимат ва қүйилган қиимат яратиш инсоният тараққиёти давомида доимий равища иқтисодчиларни қизиқтириб келган. Қииматнинг яратилиши ва уни ошириш иқтисодиёт фанининг энг мураккаб муаммоларидан ҳисобланган.

Соҳибқорон Амир Темур саройида молиячи бўлган Абдураҳмон ибн Мұхаммад ибн Ҳолдун (1332-1406) “Китоб-ул-ибор” (“Ибратли мисоллар китоби”, 1386 йил) асарида товар қииматига хомашә қиимати, мәжнат воситалари, товар ишлаб чиқарувчилар мәжнатининг қиимати киради, деб таъкидлаган.

Иқтисодий таълимотлар тарихини ўрганиш борасида россиялик тадқиқотчи Е.К.Михайловская (1896) қиимат ишлаб чиқарувчиларнинг товар-пул тизими шароитида мәжнат кооперацияси билан ўзаро алоқаларни ифодаловчи иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми, деб таърифлади ва қииматнинг ўлчами ҳар бир маҳсулотни ишлаб чиқаришга сарфланган мәжнат сарфи миқдори билан аниқланишини кўрсатади. Е.К.Михайловская қиимат масаласини ўрганишни давом эттирган ҳолда қиимат муаммоси билан бир неча даврлар давомида турли мамлакатлар иқтисодчи олимлари тадқиқот олиб

ИҚТИСОДИЁТ

борганлигини ҳамда шунга мос равища бир неча назария пайдо бўлганлигини айтиб ўтади. Лекин, шу билан бирга, у қишлоқ хўжалигида яратилган қийматни кўрмади.

Англия қиймати меҳнат назариясини асослаб берганлардан бири Уильям Петти қиймат манбаи меҳнат ҳисобланнишини, айнан меҳнат сарфи товар қиймати миқдорини белгилаб беришини изоҳлаб берган эди. Лекин Петти товарнинг истеъмол қиймати ва қиймат ўртасидаги фарқни кўра олмади. У товарнинг қиймати фақат қимматбаҳо металларни ишлаб чиқаришга сарфланувчи меҳнат орқали яратилади, деб ҳисоблаган. Иккинчи инглиз иқтисодчиси Адам Смит (1776 й.) ўз асарида товарнинг истеъмол ва алмашув қийматини ҳамда улар ўртасидаги фарқларни очиб берди.

Замонамиз иқтисодчи олимни Шеркул Шодмонов (2006 й.) қиймат назариясининг турли кўринишларини таҳлил қилган ҳолда товарнинг қийматини ва нархини аниқлашда унинг икки томони: сотувчилар билан харидорлар манфаатлари туташган тугунчага эътибор қаратиш зарур деб айтиди.

Демак, харажатсиз даромад (фойда) топиб бўлмаслиги иқтисодиётдаги аксиомадир. Даромад олиш учун хўжалик субъекти харажат қилиши муқаррар, чунки бу, ишлаб чиқариш ресурсларини, агроресурсларни, арохизматларни, меҳнат қуролларини ва ишчи кучи ҳамда қобилиятни талаб қиласди. Ресурслар эса эҳсонга ўхшаб текин эмас, уларни бозор нархида, очик бозорда сотиб олиш мумкин. Шу сабабдан харажат қилиш турли хўжалик юритувчи субъект учун фойда олишнинг шартига айланади.

Қиймат (фойда ёки даромад) масаласини таҳлил қилган назариётчи олимлар фикридан келиб чиқсан ҳолда таъкидлаш жоизки, уларга қийматнинг меҳнат назарияси, қўшимча маҳсулот назарияси ҳамда чегаравий нафлик (маржиналистлар) назарияси асос бўлиб хизмат қиласди. Демак, қиймат товарда гавдаланган (мужассамлашган) ижтимоий-зарурий ва ўртача меҳнат миқдоридир. Алмашув қиймати бир турдаги истеъмол қийматининг бошқа турдаги истеъмол қийматига айирбosh қилинадиган миқдорий нисбатидир, деб кўрсатиб ўтиш мумкин.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, юкоридаги қарашлардан келиб чиқсан ҳолда, қўшилган қиймат – бу, ишлаб чиқарилган маҳсулот қийматидан, ишлаб чиқаришда ишлатилган хомашё ва меҳнат воситаси, предмети ҳамда ишчи кучи меҳнати, яъни оралиқ маҳсулотлар ва хизматлар қиймати (харажати) чиқариб ташлангандан кейин қолган қисми

ҳисобланади. Бу, бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида фойдани, яъни қўшилган қийматни максималлаштириш, уни иложи борича кўп олишни билдиради. Бу, қишлоқ хўжалигида рентабелликни, яъни фойдалилик даражасини, самарадорлигини кўрсатади. Буни билиш учун тадбиркорлик натижасида қўлга теккан фойда (қўшилган қиймат), барча сарфлар таққосланади, натижада фойда сарфларнинг неча фоизига тенглиги аниқланади.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги корхоналари, шу жумладан, фермер ва дехқон хўжаликларида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш жуда мураккаб жараён ҳисобланади. Айниқса, ер ва сув ресурсларининг чекланганлиги, замонавий технологияларнинг талаб даражасида эмаслиги, моддий-техникавий ва молиялаштириш даражаси меъёрий таъминланмаганлиги, маҳсулот сотиш тизимидағи муаммолар, агарар бозорлар фаолиятини мутаносиб ривожлантиришни талаб этаётганлиги, миллий ва хорижий сармояларни энг зарур соҳаларга йўналтириш, бу йўналишда юқори малакали кадрлар ва тадбиркорлар тайёрлашга эътибор қаратиш зарур. Мамлакатда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлашга катта эътибор бериш устувор сиёсатга айланган. Шу билан бир қаторда, агарар бозор таркибида кирувчи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва хизматларига киритилган харажатларни таҳлил қилиш мақсадга мувофиқ бўлади. Агарар бозорни мутаносиб ривожлантиришнинг устувор йўналишларини таъминлашга хизмат қилувчи чора-тадбирларни ишлаб чиқиши давр талаб этмоқда. Агарар бозорлар доирасида асосий олди-сотти обьекти ҳисобланган маҳсулот ва хизматларга киритилган тегишли харажатлардан қўшилган қиймат олиш учун қўйидагиларни эътиборга олиш мумкин:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ва хизматларга сарфланган моддий харажатлар (хўжаликнинг ўзида ишлаб чиқарилган) ёки сотиб олинадиган уруғлик ва озука, минерал ўғит, ёнилғи - мойлаш материаллари, электр энергия, сув ресурслари, эҳтиёт қисмлар, курилиш ва таъмирлаш материаллари, экин ва ҳайвонларни ҳар хил зааркунандалардан ҳимоялаш воситалари, дори-дармонлар каби;

– ишлаб чиқаришда кўрсатилган хизмат тўловлари (юқ ташиш, ер унумдорлигини ошириш, ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сувдан фойдаланувчилар уюшмаси учун, экин зааркунандаларига қарши курашиш ва бошқа агротехник тадбирлар, техникаларни жорий таъмирлаш ишлари,

зоотехника ва ветеринария хизматлари, йўл фондига тўловлар ва б.);

- бошқа моддий харажатлар (маҳсус кийимлар ва ҳ.к.) таркибига парваришиланаётган чорва ҳайвонларининг нобуд бўлиши ва сақланаётган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг бузилиши оқибатида кўрилган заرارлар (табиий оғатлар бундан мустасно) киритилмайди;

- ишлаб чиқариш билан бевосита боғлиқ бўлган харажат. Буларга хизмат сафари харажатлари, илмий тадқиқот ва синов ўтказиш ташкилотлари томонидан қишлоқ хўжалигига кўрсатилган хизмат тўловлари, иш шароитларини яхшилаш, ишчиларнинг ҳордик чиқариш учун сарфланган маблағлари ва бошқа шу каби тўловлар харажатини ташкил этади.

Қишлоқ хўжалигидаги қўшилган қийматни яратадиган ишлаб чиқариш воситалари ва хомашё саноати соҳасида шаклланадиган ва ҳосил килинадиган қўшилган қийматдан (фойдадан) фарқ қиласди. Саноатда асбоб-ускуналар, меҳнат қуроллари, жиҳозлар, бинолар ва хомашёлар (нефть, пахта, ғалла, сабзавотлар, гўшт, сут, жун кабилар) иштирокида қўшилган қиймат яратилса, қишлоқ хўжалигига улар хомашё шаклида тайёр маҳсулот бўлади. Саноатда ер жойлашув ролини бажарса, қишлоқ хўжалигига ер-сув билан ишлаб чиқариш воситаси ўрнини бажаради. Саноатда ускуналар (станок ва асбоблар) бир маромда тўхтовсиз хизмат қисса, қишлоқ хўжалигига станок (ускуна) сифатидаги трактор ва комбайнлар доимо бир жойдан бошқа жойга бориб ишлайди ва ҳаракатда бўлади. Бундай фарқлар қишлоқ хўжалигига қўшилган қийматнинг хусусиятларини изоҳлаб беради.

Бизнесда қишлоқ хўжалигига фойдадан (қўшилган қийматдан) ташқари, рента ҳам олинади, у ер ресурс сифатида ишлатилган жойда юзага келади.

Рента ердан фойдаланишда олинган қўшилган қийматнинг (фойданинг) бир кисми бўлиб, уни ер эгаси олади. Ер ноёб агроресурс сифатида мулкдорлар томонидан эгаллаб олинади. Рента ерга мулк берадиган даромад ҳисобланади. Рентанинг миқдори ернинг сифатига, яъни тупроқнинг ҳосилдорлигига, ер

участкасининг қаерда (яқин ёки узок) жойлашувига, ерда турли коммуникацияларнинг мавжудлигига боғлиқ бўлади. Бироқ ерни янгидан яхшилаш бўлмайди, чунки ер чеклангандир. Саноатда жойлашув ўрнини аниқлаб, унинг устига биноларни кўп қаватли қилиб қуриш билан майдонини кенгайтириш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги корхоналари, фермер ва дехқон хўжаликлари қўшилган қийматни (фойдани) кўп олиш учун бозор талабидаги товарларни ва маҳсулотларни кўплаб ишлаб чиқарган ҳолда, уларнинг ҳаракатини пасайтириб бориш керак бўлади. Ўртача харажатлар бозор нархидан қанчалик кам бўлса, шунчалик қўшилган қиймат (фойда бор) катта бўлади. Харажат билан нархнинг нисбат фарқи қанчалик катта бўлса, шунчалик қўшилган қиймат кўп олинади. Қўшилган қийматнинг муттасил кўпайиб бориши учун бу хавф ортиб бориши лозим. Шундай бўлганида, умумий даромад таркибида қўшилган қиймат ҳиссаси ортиб боради. Харажатлар ўзгармаган ҳолда товар нархининг ошиши умумий даромадни кўпайтириш орқали қўшилган қийматнинг ҳиссасини оширади. Демак, қўшилган қийматни кўпайтириш учун харажатларни минимумлаштириш ва тежаб фойдаланиш, зарур бўлган меҳнат унумдорлигини ошириш орқали эришилади. Биринчи Президентимиз асарларида қишлоқ хўжалигига исплоҳотларни янада чукурлаштириш, унинг барча тармоқларини модернизация қилиш, ер-сув ва агроресурслардан, аграр хизматлардан самарали фойдаланиш, замонавий ресурсларга тежамкор технологияларни жорий этиш, ишлаб чиқариш харажатларини қисқартириш ва маҳсулот таннархини пасайтириш, меҳнат унумдорлигини ошириш, рағбатлантириш муносабатларини янада такомиллаштиришни таъминлайдиган ташкилий чора-тадбирларни амалга ошириш зарурлиги таъкидланган.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодиётнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида қўшилган қийматнинг ҳажмини (миқдорини) янада ошириб бориш бозор иқтисодиёти муносабатларининг бугунги кундаги бош вазифаларидан ҳисобланади.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президентининг «Қишлоқ хўжалигига исплоҳотларни чукурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги Фармони. «Халқ сўзи» газетаси. 2003 йил 25 март.
2. Каримов И. «Ўзбекистонда озиқ-овқат дастурини амалга оширишнинг муҳим заҳиралари» мавзусидаги халқаро конференцияда сўзлаган нутқи. 22-том. – Т., 2014.
3. Ўлмасов А. Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Иқтисод-молия, 2014.
4. Фофуров А., Раҳматуллаев А. Сув ва ҳаёт. – Фарғона, 2015.